2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 72 (328), 2021 йил 10 апрель, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ВА ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда энергия ресурсларига бўлган талаб таркибий жиҳатдан ўзгармоқда, хусусан углеводород ресурсларидан қайта тикланувчи манбаларга ўтишда водород энергетикасини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда.

Шу билан бирга, соҳа ҳолатининг таҳлили иқлим ўзгариши шароитида республикада самарали, ресурстежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ўсиши иқтисодиётнинг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда.

Республиканинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, ушбу соҳанинг илмий салоҳиятини кучайтириш талаб этилади.

Республикада водород энергетикаси инфратузилмасини барпо этиш, қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида илмий ва амалий изланишларнинг натижадорлигини ошириш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

Фанлар академиясининг "Халқаро қуёш энергияси институти" МЧЖ негизида Энергетика вазирлиги ҳузурида **Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институтини** (кейинги ўринларда — Институт);

Институт тузилмасида **Водород энергетикаси илмий-тадқиқот марказини ҳамда Қайта тикланувчи ва водород энергетикаси технологияларини синаш ва сертификатлаш лабораториясини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. **Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича идоралараро комиссия** (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги **вазифалар** юклансин:

Институт фаолиятининг ташкил этилишини мувофиқлаштириш;

**қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегия** ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни, шунингдек, ушбу соҳалардаги истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида зарур тадқиқотлар ўтказиш ҳамда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларида **вазирлик ва идораларга кўмаклашиш;**

қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш учун **зарур шарт-шароитлар яратиш,** шу жумладан, **илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш.**

3. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш, **ушбу соҳаларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;**

қайта тикланувчи энергия манбалари ва водороддан олинган энергияни электр ҳамда иссиқлик энергиясига айлантириш ҳисобига улардан **иқтисодиётнинг юқори технологик соҳалари ва тармоқларида самарали фойдаланиш усулларини ўрганиш ва жорий этиш;**

Давоми 2-бетда

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 685 ЙИЛЛИГИГА



## "БИР ҚЎЛИМДА АДОЛАТ, БИР ҚЎЛИМДА БЕҒАРАЗЛИК ШАМИНИ ЁҚДИМ..."

Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида энг қудратли давлат барпо этган, илм-фан, маданият ва маънавият ривожига кенг йўл очган, дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк шахсдир. Бобокалонимизнинг адолатли жамият барпо этиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётининг ўзига хос мезонига айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Бу борада буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: "Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!", деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур".

Ҳар йили анъанага кўра пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида буюк саркарда номи ёд этилади. 9 апрель куни ўтказилган маросимда ҳам Парламент аъзолари, таниқли олимлар ва ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди. Ушбу муаззам майдонда Амир Темур сиймосига ҳурмат бажо келтирилиб, ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Давоми 6-бетда

УЛУҒ КУНЛАР ОСТОНАСИДА



## РАМАЗОН САХОВАТ, САБР ВА ДУО ОЙИДИР



**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу. Аллоҳ таборака ва таолога беадад ҳамду санолар, Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга беҳисоб салавоту саломлар бўлсин!**

***Усмонхон АЛИМОВ,***
***Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий***

Бутун дунё мўмин-мусулмонлари интиқиб кутадиган Рамазони шариф ойи ҳам кириб келмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва ўз номимдан, Сиз, азизларни фазилатли Рамазон ойи билан чин қалбдан, самимий муборакбод этамиз.

Ҳар йили юртдошларимиз ушбу ойни кўтаринки кайфият, ўзгача шукуҳ ва алоҳида тайёргарлик ила қарши оладилар. Аллоҳга шукрки, бу йил юртимиз масжидларида таровеҳ намозларини ўқиймиз, 1 370 дан ортиқ жомеларда хатми Қуръонлар қиламиз, Рамазон ойи шарофати билан бутун дунёга ташвиш бўлиб турган коронавирус касаллиги бартараф бўлишини Ҳақ таборака ва таолодан сўраймиз.

Шу ўринда барчамиз яхши тушунишимиз керакки, бутун дунёда коронавирус хасталиги авж оляпти. Ҳукуматимиз томонидан халқимиз соғлигини асраш йўлида жиддий саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## GSP+: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Абдурауф ҚОРЖОВОВ,***
***иқтисодий шарҳловчи***

**Бугун Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кирди. Бу икки томон ўртасидаги муносабатларда муҳим босқич бўлиб, ўзаро мулоқотни ҳамда савдо алмашинувини янада кенгайтиришга имкон беради.**

**2021 йил 9 апрель куни пойтахтимиздаги International меҳмонхонасида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси, дипломатик корпус ва хусусий сектор вакиллари ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган матбуот анжумани ушбу муҳим воқеага бағишланди.**

Давоми 3-бетда



МУНОСАБАТ



***Учқун КАМОЛОВ,***
***Ховос тумани ҳокими***

## ХОВОС ТАЖРИБАСИ:

### ҳар бир тадбиркор билан "мижозбай" ишлашнинг самараси

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш нуқталаридан бири, аҳоли бандлигини таъминлашнинг катта манбаига айланди. Шу боис, юртимизда бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида барча зарур шароитлар яратиб беріляпти. Энди, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ишни тўғри ташкил этиб, янги корхоналар очилиши, уларнинг яшовчанлиги, маҳсулотлар ҳажми, яратилган иш ўринлари бўйича амалий натижаларга эришиши керак.**

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ВА ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

қайта тикланувчи энергия ва водородни **ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш** ва (ёки) уларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар талабларига мослаштириш;

илғор давлатларнинг мазкур соҳалардаги илмий муассасалари, марказлари ҳамда экспертлари билан **ҳамкорлик ўрнатиш ва улар иштирокида тадқиқотларни ташкил қилиш,** шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларда иштирок этиш;

маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари билан биргаликда **илмий изланишдан ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни ўзаро боғловчи яхлит тизимни шакллантириш** ва юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва водородни ишлаб чиқарувчи, улардан фойдаланувчи ҳамда ушбу турдаги энергия билан ишловчи ускуна, қурилма ва технологияларни **синовдан ўтказиш ва сертификатлаш.**

4. Белгилаб қўйилсинки:

Институт давлат муассасаси шаклидаги **юридик шахс** ҳисобланади, ўз мустақил балансига, шахсий ғазна ва банк ҳисобварақларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади;

Институт ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари** татбиқ этилади;

Институт тугатилаётган “Халқаро қуёш энергияси институти” МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй, 2-корпус манзилидаги мавжуд ҳамда янгидан қуриладиган бино ва иншоотларда жойлаштирилади;

“Халқаро қуёш энергияси институти” МЧЖнинг тугатилиши пайтида Институтга ўтказиладиган мулклар, мулкий ҳуқуқлар, хусусан акциялар ва устав капиталларидаги тегишли улушларнинг қиймати **барча турдаги солиқлар бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;**

Институт “Халқаро қуёш энергияси институти” МЧЖнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича **ҳуқуқий вориси** ҳисобланади.

5. **Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов):

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов), Фанлар академияси (С.З.Мирзаев) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) билан биргаликда **бир ой муддатда** Институтни жиҳозлаш учун зарур бўлган замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, технологик қурилмалар, реагентлар, бутловчи қисмлар, инвентарлар, автотранспорт воситалари, махсус техника ҳамда дастурий таъминотлар **рўйхатини** шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда **экспертизадан** ўтказсин;

2021 йилда Институт фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, унинг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, шакллантирилган рўйхатга мувофиқ товарларни харид қилиш, Институт биносини таъмирлаш, белгиланаётган йўналишларда тадқиқотларни жадаллаштириш, инновацияларни кенг жорий қилиш, етакчи хорижий олимларни тадқиқотларга жалб қилиш, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 50 миллиард сўмгача маблағларни** ажратсин;

б) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **2022 йилдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳар йилги тасдиқланадиган харажатлар параметрларида Институт фаолиятини молиялаштириш учун **зарур маблағларни** назарда тутсин.

7. Энергетика вазирига:

зарур бўлганда, Институт ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида унинг **тузилмасига ўзгартириш** киритиш;

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Институт йўналишларини кенгайтиришга боғлиқ равишда Институт ходимларининг **умумий сонини ошириш** ҳуқуқи берилсин.

Бунда, Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) Институт фаолиятига қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳасида амалий ишланмаларни яратишга қаратилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда ва бошқа устувор вазифаларни бажаришда **аутсорсинг механизмлари** доимий равишда жорий этилишини таъминласин.

8. Институт фаолиятини **молиялаштириш манбалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджети** маблағлари;

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан **илмий фаолиятга оид давлат дастурлари** доирасида ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари **Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси** маблағлари;

Энергетика вазирлиги ҳузуридаги **Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси** маблағлари;

республика ва халқаро молия ташкилотларининг **техник кўмаклари ва грантлари;**

Институт томонидан шартнома асосида **хизматлар кўрсатишдан тушадиган** маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик хайриялари;**

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (А.Ш.Бекмуродов), Фанлар академияси (С.З.Мирзаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Ш.Бегимкулов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) билан биргаликда Институтнинг илмий ва илмий-техник ходимларининг, шунингдек, республикада ушбу соҳаларда фаолият юритаётган ёш олим ва мутахассисларнинг ривожланган хорижий давлатлардаги етакчи илмий марказларда белгиланган тартибда **илмий стажировкадан ўтишини молиялаштиришни** таъминласин.

10. Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов):

**икки ой муддатда** Институтнинг **устави,** унинг молиявий-иқтисодий фаолият кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, **тузилмаси** ҳамда Институт ходимларининг **меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби** ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) билан биргаликда **2021 йил якунига қадар Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегия** ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошкулов) ҳамда Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) билан биргаликда:

**бир ой муддатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб** Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети бакалавриатининг **“Муқобил энергия манбалари” (турлари бўйича) таълим йўналиши** бўйича қабул параметрларини водород энергетикаси йўналишида мутахассисларни тайёрлашни назарда тутган ҳолда ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2024/2025 ўқув йилидан бошлаб** Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида **“Водород энергетикаси ва технологиялари” магистратура мутахассислиги** бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатда водород энергетикасининг ривожланиши ҳолати бўйича **йиллик ҳисоботни** тайёрлаш ва “InnoWeek.uz” инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида **унинг тақдимотини ўтказиш амалиётини** жорий этсин;

**икки ой муддатда** 2021 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналарни ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир **халқаро конференцияни** ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда амалга оширсин.

13. Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) билан биргаликда Энергетика вазирлиги ва “ACWA Power”(Саудия Арабистони), “Air Products” (АҚШ) ўртасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича тузилган очиқ келишувга мувофиқ **“ACWA Power”, “Air Products” ва бошқа етакчи компанияларнинг инвестициялари ва илмий ходимларини** Институтнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва халқаро даражадаги инновацион изланишларни кенгайтириш ишларига жалб қилсин.

14. “Ўзстандарт” агентлиги (Д.Н.Саттаров) белгиланган тартибда Институт лабораторияларининг **аккредитациядан** ўтказилишини таъминласин ҳамда кейинчалик ушбу лабораториялар аккредитация соҳасидаги халқаро стандартлар ва қоидалар талабларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро миқёсда эътироф этилган аккредитация органларида аккредитациядан ўтишига кўмаклашсин.

15. Институтнинг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган олиб кирилаётган ускуналар, технологик қурилмалар ва жиҳозлар, моддий-техника воситалари, дастурий таъминот ва хизматлар **божхона божларидан озод қилинсин.**

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4142-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов ва энергетика вазири А.С.Султанов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 апрель

# АКАДЕМИК ВЛАДИМИР ВАСИЛЬЕВИЧ КИМ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Йирик иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Владимир Васильевич Ким 2021 йил 8 апрелда 92 ёшида вафот этди.

В.Ким 1929 йил 25 сентябрда Россия Федерациясининг Хабаровск ўлкасидаги Бикин шаҳрида туғилди. 1950 йилда Тошкент молия-иқтисод институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)ни тамомлади.

Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини Самарқанд туманида назорат-тафтишчи сифатида бошлади, кейинчалик Тошкент молия-иқтисод институтининг аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати туфайли 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий ва педагогик фаолияти давомида Тошкент халқ хўжалиги институтида (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) кафедра мудири, профессор, проректор, ректор маслаҳатчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясида фалсафа, иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанлари бўйича академик котиб каби масъулиятли лавозимларда фидокорона меҳнат қилди ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Академик В.В.Кимнинг Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилиш, қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ушбу йўналишдаги ислоҳотлар самарасини ошириш мавзуларидаги илмий-тадқиқотлари мамлакатимиз иқтисодиёт фанига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Олимнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 200 дан зиёд илмий мақолалари, 10 га яқин монографиялари нафақат мамлакатимиз, балки чет эл олимлари ва мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилган.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

В.В.Кимнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Владимир Васильевич Кимнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ,**
**Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,**
**А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**

## УЛУҒ КУНЛАР ОСТОНАСИДА



# РАМАЗОН САХОВАТ, САБР ВА ДУО ОЙИДИР

Бошланиши 1-бетда

Биз ҳам таровеҳ намозларида тиббий ниқоб тақиш, оралиқ масофани сақлаш, қўл бериб кўришмаслик каби карантин тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилишимиз зарур бўлади. Кимки ўзида касаллик аломатларини сезса, таровеҳ намозини адо этиш учун жамоатга қатнашмаслигини сўраймиз. Зеро, динимизда ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар бериш йўқ.

Моҳи Раҳмонда адо этиладиган солиҳ амаллар эвазига мўмин-мусулмонлар жуда катта ажр-савобларга эришадилар. Рамазон ойида Аллоҳ таолонинг раҳмат ва мағфирати бўлади, ибодатлар ва савобли амаллар кўпайтирилади. Саховатпеша, қўли очиқ инсонларимиз ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган кишилар ҳамда кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват улашадилар. Беморлар ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини кўтарадилар.

Рамазон — Қуръон ойидир. Аллоҳ таолонинг каломи айнан шу ойда нозил бўлган. Ҳақ таоло Ўзининг муқаддас китобида бундай дейди: “Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят манбаи ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир” (“Бақара” сураси, 185-оят).

Рамазон — саховат ойидир. Бу ойда қилинган хайру эҳсонларга Аллоҳ таоло улкан ажр-савобларни беради. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу муборак ойда бошқа ойларга қараганда янада сахийроқ бўлиб кетардилар. Шунинг учун ҳам қадимдан мусулмонлар Рамазон кирганда саховатлироқ бўлишга одатланганлар. Давлатманд кишилар закотларини айнан Рамазонда адо этишган. Бу ойнинг баракасидан ҳар бир уй баҳраманд бўлиб, мўминлар қалбига шодлик киради.

Шу сабабли бу муборак ойда ҳар биримиз ён-атрофимизда ёрдамга муҳтож кишилар бўлса, қўлимиздан келганча уларга яхшилик қилиб қолсак, айни муддао бўлади.

Рамазон — сабр ойидир. Бу йил ҳам сабримизни икки ҳисса оширишга тўғри келади. Бири рўза тутиш билан боғлиқ машаққат бўлса, иккинчиси пандемия сабаб юзага келган мушкулотлардир. Бу билан Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Сабрнинг мукофоти — жаннатдир”, деган башоратларига дохил бўламиз, инша Аллоҳ.

Рамазон — дуо ойидир. Ҳар бир мусулмон дуолар ижобат бўладиган мана шу кунларда кўп-кўп дуо қилиши керак. Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Рўзадорнинг дуоси қайтарилмайди”, деганлар.

Биз нуроний отахону онахонларимиздан сўраймизки, ушбу муборак кунларда юртимизга тинчлик-осойишталик, дастурхонимизга қут-барака тилаб, Аллоҳ таологa дуо қилсинлар. Расули Акрам алайҳиссалом Рамазон ойида мўмин кишининг ризқи зиёда бўлиши, хонадони файзу баракага тўлиши ҳақида: “Бу ойда Аллоҳ мўминнинг ризқини кўпайтиради”, деб марҳамат қилганлар.

Мана шундай фазилатли ойда рўзаларимиз қабул, ибодатларимиз мақбул ва дуо-ю илтижоларимиз мустажоб бўлишини Ҳақ таборака ва таолодан сўраймиз.

Куни кеча муҳтарам Президентимизнинг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат ва шукроналик туйғуларини янада юксалтиришга алоҳида урғу берилди.

Аллоҳга шукрки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар, янгидан очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чирой очаётган қадамжолар мўмин-мусулмонларни чексиз мамнун этмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро марказлари, Халқаро ислом академияси, Ҳадис илми мактаби, Мир Араб олий мадрасасининг ташкил этилгани нафақат юртдошларимизни, балки хорижлик биродарларимизни ҳам чексиз мамнун этди.

Бутун дунё Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг катта самара беришига, бу азиз диёрнинг яна илм-маърифат маркази бўлишига кўз тикмоқда. Таъкидлаш жоизки, барча ислоҳотлардан кўзланган мақсад — Ватанимизни янада обод этиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни асраш ва ёшларни комил инсон этиб тарбиялашдир.

Мана шундай улуғвор мақсадлар йўлида барчамиз бир тану бир жон бўлиб, Президентимиз атрофида бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларни бугунги кун таҳдидларидан, турли ёт ғоя ва қарашлардан асрашимиз лозимдир.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Рўза тутган кишининг уйқуси ибодат, сукут сақлаши Аллоҳга тасбеҳ, қилган амалининг савоби кўпайтириб берилади, дуолари ижобат ва гуноҳлари кечирилади”, деб марҳамат қилганлар. Мўътабар манбаларда Рамазон ойида қилинган эзгу ва хайрли ишларнинг савоби етмиш даража кўтарилиши баён этилган.

Ушбу ҳадиси шарифда рўзадорнинг дуоси ижобат, дейилди. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ ойда чин қалбдан, астойдил дунё ва охират саодатини сўраб дуолар қилишимиз керак бўлади.

Биз Парвардигори оламнинг раҳмат ва мағфирати жўш уриб, ер юзига илоҳий нурлар ёғиладиган ой арафасида турибмиз. Ушбу ойни ғанимат билиб, юртимиз тинчлиги, ризқимиз тўкинлиги, коронавирус касаллигига чалинганлар тезроқ шифо топишларини Ҳақ таолодан сўрайлик.

Аллоҳ таборака ва таоло эзгу мақсадларимиз, яхши ният ва улкан режаларимизни рўёбга чиқарсин!

Она Ватанимиз янада обод, халқимиз ҳаёти ҳамиша фаровон бўлсин!

Барчамизга фазилатли Рамазон ойи муборак бўлсин!

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ




# GSP+: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов матбуот анжуманида Европа Иттифоқининг республикамизга GSP+ бенефициар мамлакат мақомини бериш тўғрисидаги қарори Президентимиз раҳбарлиги ва ташаббуси билан давлат бошқаруви, фуқаролик жамиятининг кучли институтларига эга демократик мамлакатни шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишларнинг амалий натижаларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинганлигини эътироф этди.

“Ишончим комилки, бу биринчи навбатда, Европа Иттифоқи мамлакатларидан бўлган инвесторлар ва хусусий сектор вакилларига Ўзбекистонда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кучли туртки беради. Шунингдек, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва жадал ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратади”, деди Сардор Умурзоқов.

Европа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги раҳбари, элчи Шарлотта Адриан Ўзбекистонга GSP+ преференциялар тизимининг берилиши, айниқса, мамлакатнинг COVID-19 инқирозидан тикланиш даврида, ғоят ўз вақтида қўлланилаётганини, бу атроф-муҳит, инсон ҳуқуқлари, меҳнат ҳуқуқлари ва самарали бошқарув бўйича 27 йирик халқаро конвенцияларни амалга ошириш билан боғлиқ ислоҳотларни келгусида изчил давом эттириш учун яхши рағбат эканлигига алоҳида урғу берди.

Тадбир давомида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов, Латвия, Италия республикалари, Швеция Қироллигининг мамлакатимиздаги элчилари М. Попковс, А. Пинна ва И. Терсманлар Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи GSP+ бенефициари сифатида қабул қилинишини мамлакат ташқи сиёсатидаги ёрқин ва тарихий воқеа, деб баҳолашди. Бу икки томонлама амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг маҳсули бўлиб, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муҳофазаси жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ва изчил ижобий ривожланишнинг амалий натижаси ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати ишбилармонлик муҳити, суд-ҳуқуқ тизими, меҳнат шароитлари, маъмурий ҳисобдорлик ва самарадорликни ошириш борасида туб ислоҳотларни давом эттираётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ҳақиқатан, Ўзбекистон GSP+ тизимининг аъзоси сифатида маҳсулот линияларининг учдан икки қисмига тарифларни тўлиқ бекор қилиш орқали стандарт GSPга нисбатан қўшимча иқтисодий имтиёзларга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, экспорт ҳажмининг ўсишига ва мамлакатга қўшимча инвестициялар жалб этилишига хизмат қилади.

## GSP ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

GSP (Умумлаштирилган имтиёзлар тизими) ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган ва ривожланган давлатларга олиб кириладиган қарийб барча саноат товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари учун тариф ставкаларини пасайтириш ёки бекор қилишни назарда тутади. Ушбу мезон икки томоннинг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун кўплаб қулайликлар яратади.

Дастурга тўлиқ аъзо бўлган давлат Европа Иттифоқи бозорларига 3000 га яқин маҳсулотларни божхона тўловларисиз, 3200 дан ортиқ турдаги товарларни эса пасайтирилган ставкалар бўйича экспорт қилиш имкониятига эга бўлади. Унга киришдан манфаатдор мамлакат муайян шартларни бажариши талаб этилади. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ва асосий меҳнат стандартлари соҳасида 16 та, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув соҳасида 11 та — жами 27 халқаро конвенцияларни ратификация қилиши ва самарали амалга ошириши лозим.

Бу дастурга Ўзбекистон тўққизинчи давлат сифатида қабул қилинди. Шу пайтга қадар унга Арманистон, Боливия, Кабо Верде, Қирғизистон, Монголия, Покистон, Филиппин, Шри Ланка аъзо бўлган.

## GSP+ ҚАНДАЙ МАНФААТ КЕЛТИРАДИ?

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда шу пайтгача қўлланиб келинган GSP доирасидаги имтиёзлардан фойдаланиш даражаси ҳозирги кунга қадар 87 фоизни ташкил этиб келган. Маҳсулот сегментлари асосан тўқимачилик ва кийим-кечак, пластмасса маҳсулотлари, шунингдек, мевалар, ёнғоқ ва сабзавотлар ҳиссасига тўғри келган. Бу Ўзбекистон экспорт таркибининг Марказий Осиёдаги қўшниларига қараганда анча хилма-хил эканлигини кўрсатади.



Ўзбекистон GSP+ нинг аъзоси бўлишга тайёргарлик ишлари тўрт йил олдин бошланган эди. Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимиз ушбу мақомни олиши учун инсон ва меҳнат ҳуқуқларига оид 27 та асосий халқаро конвенцияга риоя қилиш, жумладан, пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни бартараф этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқарув қоидалари доирасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз делегациясининг Брюсселга, Европа Иттифоқи вакилларининг Ўзбекистонга ташрифлари доирасида музокаралар ўтказилди.

Мазкур даврда GSP+дан фойдаланувчи мақомини олиш учун зарур бўлган барча халқаро конвенция ва битимлар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинди ва ўтган йилнинг 30 ноябрида Европа комиссияси мамлакатимизнинг GSP+дан фойдаланувчи мақомини олиш тўғрисидаги аризаси бўйича ижобий қарор қабул қилди.

GSP+га ўтилганидан сўнг ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар ўз маҳсулотларини Европа бозорига олиб киришда бир томонлама тариф имтиёзларидан фойдаланишни бошлашлари мумкин. Шу билан бирга, Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишлари мумкин бўлган товарларнинг сони 6200 тага кўпайди.

— Уюшмамиз Европа Иттифоқи мамлакатларига экспортни диверсификация қилиш мақсадида Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари билан ҳамкорликда салоҳиятли харидорлар ва савдо тармоқлари билан кенг кўламли ишларни олиб боряпти, — дейди “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Даврон Ваҳобов. — Экспортни жадаллаштиришда муҳим омиллардан бири GSP+ тизими бўлиб, у юртимиз тўқимачилик маҳсулотлари бошқа мамлакатларнинг товарлари билан жиддий рақобатлашишига ҳам имкон яратади.

Мамлакатимиз Европа Иттифоқи билан тўқимачилик баённомасини ратификация қилган эди. Унда юртимиз тўқимачилик саноати товарларини ЕИ мамлакатларига экспорт қилишда божхона тўловларини сезиларли даражада пасайтириш кўзда тутилган. Агар илгари бундай маҳсулотларнинг ЕИ божхона ҳудудига киришида 17 фоиз миқдорида тўлов тўланган бўлса, мазкур баённома шартларига кўра, улар 6 фоизга туширилди.

Мутахассислар фикрича, GSP+ тизимига ўтиш дастлабки босқичда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти Европа бозорига кириш ҳажмининг 300 миллион, 2025 йилга бориб 1,2 миллиард АҚШ долларига етишига имконият яратади.

Бу бир соҳа доирасида кутилаётган самара. GSP+ тизими бир қатор муҳим экспорт товарларига тарифлар бекор қилиниши боис Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги савдони кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар тақдим этади. Чунки, бундан, энг аввало, мамлакатимиз манфаатдор. Европа Иттифоқи бозорига нисбатан яқинлигимизга қарамай, савдо салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг экспорт йўналишлари рўйхатида еттинчи ўринда туриши ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Ҳақиқатан, Ўзбекистоннинг GSP+га расман қабул қилиниши мамлакатимиз ташқи иқтисодиётида тарихий саҳифа. Шу ўринда XIV аср ўрталарида рўй берган ушбу воқеа ёдга келади. Амир Темур ўша кезда Европа қироллари, айниқса, Франция қироли Карл VI билан ёзишмаларида савдо-сотиқ йўлга қўйилишининг аҳамиятига эътибор қаратади: *“Сизнинг савдогарларингиз бу тарафга қатнаб турсалар, биз бу ерда уларни азизу мукаррам тутғумиздир, шунингдек, бизнинг савдогарлар у тарафга юборилса, сиз ҳам уларни азизу мукаррам тутсангиз... Чунки дунё савдогарлар билан ободдир!”.*

Шу жиҳатдан олганда, орадан қарийб олти асрдан ортиқ вақт ўтиб, Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг GSP+ тизимининг кучга кирганлиги ҳақидаги қарорнинг айнан соҳибқирон таваллуд топган кунда келгани ЕИ, шу жумладан, унда юксак мақомга эга бўлган Франция билан дўстона муносабатларнинг теран илдизи бугунги кунда янгича мақомда давом этаётганлиги кўнгилларни мунаввар этади. Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузи ҳар жабҳада, шу жумладан, иқтисодий ҳамкорликда ортиб бораётгани эса, дилларни ғурурга тўлдиради. Бундан буён ҳам дунё савдогарлар, яъни ҳозирги таъбир билан айтганда, тадбиркорлар ҳамкорлиги билан обод бўлаверсин!

МУНОСАБАТ

# ХОВОС ТАЖРИБАСИ:

## ҳар бир тадбиркор билан “мижозбай” ишлашнинг самараси

Бошланиши 1-бетда



Давлатимиз раҳбарининг мутасадди раҳбарлар олдига қўяётган талаби ҳам шундай, аслида. Жорий йилнинг 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз яна бир бор қуйи поғонадаги раҳбарлар тадбиркор билан дўст бўлиши, уларни қўллаб-қувватлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда бу йўналишда олиб борилаётган катта ислоҳотларга қарамай, ҳудудларда ҳамон тадбиркорликни кенг ташкил этиш бўйича муаммо ва камчиликлар борлиги танқидий таҳлил қилинди. Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари олдига қисқа фурсатда ҳар бир туман кесимида тадбиркорлар билан ишлаш тизимини аниқ ҳисоб-китоблар асосида қандай ташкил этиш, ўз ҳудудида қайси тадбиркорлик йўналишлари ривожлантирилиб, нечта янги лойиҳалар ишга туширилиши, бу орқали қанча аҳолининг бандлиги таъминланиши, йил охиригача нечта солиқ тўлайдиган тадбиркорлар пайдо бўлиб, бюджетга қанча қўшимча маблағ тушишига оид аниқ ҳисоб-китобни тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ҳудудларда тадбиркорликни жадал ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалага айланган. Бунда камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий омили эканини ислоҳотларнинг ўзи кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳар бир вилоят, туман, маҳаллада тадбиркорлар сонини кўпайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларига ечим топишга кўмаклашиш бўйича мутасаддилар олдига қатъий вазифа қўяётгани боиси ҳам шунда.

Ўтган йилнинг 24 сентябрида Президентимиз раислигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимизда биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилиб, таҳлиллар асосида улардаги тадбиркорлик ривожи ҳолати “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” ҳудудларга ажратилиши белгилаб берилган эди. Ўшанда республикадаги 33 та туман қизил ҳудудга тушгани таъкидланган. Улар орасида Ховос тумани ҳам бор эди.

Рейтинг натижалари таҳлил қилинганида, туманимиздаги айрим йўналишлар, хусусан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш, экспорт, тўғридан-тўғри инвестициялар кўрсаткичи пастлиги ҳамда тадбиркорларнинг яшовчанлик муддати қисқа эканлиги маълум бўлди. Ана шу камчиликларни бартараф этиш ҳамда туманни “қизил” ҳудуд тоифасидан “яшил” ҳудудга ўтказиш бўйича сектор раҳбарлари бошчилигида ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Халқ депутатлари туман Кенгаши муҳокамасидан ўтгач, бу “йўл харитаси” асосида тегишли ишларни амалга оширишга киришдик. Ижрони таъминлаш юзасидан ҳар бир соҳа бўйича бажариладиган ишлар белгилаб олиниб, уларга ижтимоий-иқтисодий комплекс ташкилотларидан 120 нафар ходим тегишлилиги бўйича бириктирилди.

Ҳар бир йўналиш кесимида таҳлил қилганимизда, туманда саноат маҳсулотлари ҳажми 2019 йилда 98 миллиард 334 миллион сўмни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига 1 миллион 40 минг сўмга тўғри келгани, вилоят саноатидаги улуши 3,7 фоизни ташкил этгани аниқланди. Бу борада етарли натижага эришиш мақсадида қиймати 225,5 миллиард сўмлик 11 та саноат ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилиб, паст қувватда ишлаётган 15 та саноат корхонасининг қувватлари оширилди. Натижада жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 202 миллиард сўмни ташкил этишига, аҳоли жон бошига эса 2 миллион 104 минг сўмдан тўғри келишига эришилди.

Масалан, тумандаги “Textile Fashion” МЧЖга айланма маблағ ҳамда хомашё сотиб олиш учун “Ипотека-банк” АТИБ Сирдарё вилояти филиалидан 2 миллиард сўм кредит ажратиб берилди. Натижада 850 минг АҚШ долларига тенг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, қўшимча 70 та янги иш ўрни яратилди.

> **ТУМАНДАГИ “TEXTILE FASHION” МЧЖГА АЙЛАНМА МАБЛАҒ ҲАМДА ХОМАШЁ СОТИБ ОЛИШ УЧУН “ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИДАН 2 МИЛЛИАРД СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИБ БЕРИЛДИ. НАТИЖАДА 850 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИБ, ҚЎШИМЧА 70 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.**

Яна бир йўналиш — хизматлар ҳажми 2019 йилда 101 миллиард 42 миллион сўм атрофида бўлиб, аҳоли жон бошига 1 миллион 68 минг сўмга тўғри келган. Ушбу йўналишда умумий қиймати 11,4 миллиард сўмлик 16 та янги лойиҳани амалга ошириш ҳисобига йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 10,9 миллиард сўмга ошди. 33 та корхона фаолияти тикланди. Жумладан, "Mustang-trans-2020" ва "Trans-omad-2020" МЧЖлари томонидан транспортда юк ташиш хизматини ташкил қилиш учун шаҳарлараро лицензия олиб берилиши натижасида 2020 йил якуни билан 1,2 миллиард сўмлик транспорт хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида туманда хизматлар ҳажми 123,5 миллирд сўм ёки ўсиш суръати 122,2 фоизга етказилди.

Туманда экспорт ҳажми ҳам нисбатан паст даражада эди. 2019 йил якуни билан бу борадаги кўрсаткич 4 миллион 988 минг долларни ташкил этиб, аҳоли жон бошига 53 доллардан тўғри келган. 9 та корхонани экспорт фаолиятига жалб этиш эвазига ўтган йил якуни билан жами 13 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Режа 120,6 фоизга бажарилди. Аҳоли жон бошига 136,1 АҚШ долларидан тўғри келди.

Тўғридан-тўғри инвестициялар эса ҳисобот даврига нисбатан 136 фоизга бажарилиб, 10 миллион АҚШ долларига етди. 2020 йилда 266,1 миллиард сўмлик тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилиб, аҳоли жон бошига 2 миллион 813 минг сўмдан тўғри келди ёки 2019 йилга нисбатан 163,9 фоизга ўсишга эришилди.

Туманда ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни ривожлантириш сифат кўрсаткичларини ошириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Фаолият кўрсатмаётган 244 та тадбиркорлик субъектига иқтисодий комплекс ташкилотлари ходимлари бириктирилди ва улар томонидан солиқ идораларига ҳисоботлар тақдим этилиши таъминланди. Туманда 2019 йилда 286 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони 780 тага етди.

Бу натижаларга эришишда, биринчи навбатда, ҳар бир тадбиркор билан алоҳида, “мижозбай” ишлаш яхши самара берди. Амалга оширилган ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, йил якуни билан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 450 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратиш орқали оилавий тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.



# Виктор КОКШАРОВ:
# ЎЗБЕКИСТОН — ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАРИМИЗДАН БИРИ



**Маълумки, 5-7 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида “ИННОПРОМ. Ўзбекистонда катта саноат ҳафталиги” халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу йирик анжуман доирасида Россия Федерациясининг етакчи олий ўқув юртларидан бири — Урал федерал университети ректори Виктор КОКШАРОВ билан суҳбатлашдик.**

— Мен Тошкентда илк бор 2018 йилда бўлганман, — дейди Виктор Анатольевич. — Ўшанда Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртлари ректорларининг биринчи учрашуви ва “Янги иқтисодиёт учун янги кадрлар” форуми ўтказилганди. Шундан буён ҳар доим бу заминга жон-жон деб келаман. Чунки бу ерда бизни ҳар доим очиқ чеҳра, илиқ муносабат билан кутиб олишади. Қолаверса, ҳар икки томон таълим тизимини бир-бирига яқинлаштириш, биргаликда кадрлар тайёрлашга эҳтиёж бор. Зеро, ҳар қандай иқтисодиёт асосини айнан малакали мутахассислар ташкил этади.

**— Урал федерал университети жамоаси учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш қай даражада қийин ёки аксинча, нечоғлик осон?**

— Биласизми, бу борада ҳозир умуман қийинчиликка учрамаяпмиз, чунки иккала томонда ҳам аниқ мақсадларга йўналтирилган қатъий интилиш бор. Илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича йўналишни, тан олишимиз керак, давлат раҳбарлари чизиб, тасдиқлаб беришган. Шунинг учун ҳам биз бир-биримизга осонгина пешвоз чиқяпмиз, бир-биримизга нима кераклигини қийналмасдан тушуняпмиз. Мутахассислар тайёрлаш, йирик илмий-техник вазифаларни бажаришга нисбатан талабларимиз уйғун. Юртингизда бизнинг олий ўқув юртимиз битирувчилари кўп. Демак, Ўзбекистон билан, республикадаги олий таълим муассасалари билан ишлаш осонлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

**— Виктор Анатольевич, УрФУнинг ўзбекистонлик шериклари билан стратегик ҳамкорликдан манфаатдорлиги кўпроқ нималарда кўринади? Қолаверса, жамоангизнинг мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалари ривожланиш салоҳиятини қандай тасаввур қиласиз?**

— Шу ўринда сиз бирйўла иккита ўта муҳим масалага эътибор қаратдингиз. Таълим муассасаларига келадиган бўлсак, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги қўшма дастурларни айтиб ўтиш мумкин. Бу жараён рақамли услубларга ўтиш орқали замонавий иқтисодиётни реал ривожлантириш билан боғлиқ. Бу борада Урал федерал университети Россиянинг етакчи олий ўқув юртларидан бири, жуда юқори халқаро обрўга эга таълим маскани сифатида кўплаб лойиҳаларни таклиф эта оламиз. Бир қатор дастурларимиз Ўзбекистондаги шерикларимизга асқотиши мумкин. Масалан, қўш дипломли магистратура ва аспирантура дастурлари, талабалар алмашинуви, шу жумладан бир чорак давомида ўқитишнинг янги услублар, ишланмалар натижасида эришилган ютуқлар билан танишиш, замонавий лаборатория базасида ишлаш ва ҳоказо. Бундан ташқари УрФУ Олий аттестация комиссиясидан мустақил равишда ўзининг фан номзодлари ва докторлари дипломларини бериш ҳуқуқига эга. Бу ҳужжатлар халқаро, PhD дипломларига тенглаштирилган. Бу ҳам ҳамкорларимизда алоҳида қизиқиш уйғотади. Университетимизда жами 28 та диссертация кенгаши фаолият юритади. Бу оз эмас. Россия Федерациясининг энг кўп соҳага ихтисослашган олий ўқув юртларидан бири сифатида Урал федерал университети деярли барча соҳаларни — муҳандислик-техник таълимдан тортиб, табиий, гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанларгача қамраб олган.

Ишлаб чиқариш корхоналаридан биз тоғ-кон ва металлургия мажмуаси¸ қазиб олиш ва етказиб бериш, энергетика корхоналари билан тизимли ҳамкорлик қиламиз. Ушбу соҳаларда кадрларга, янги технологияларга талаб юқори. УрФУ олимлари, ўқитувчилари эса айни эҳтиёжларни қондиришга кўмаклашишга тайёр. Зеро, Ўзбекистон саноатида муҳим ўрин эгаллайдиган йирик корхоналарнинг барқарор ишлаши, бугунги кунда нафақат маҳаллий, балки хорижий бозорда ҳам талабгир бўлиб бораётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ошиши охир-оқибат бутун халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қисқаси, биз Ўзбекистондаги шерикларимиз билан ҳам илмий-технологик секторда, ҳам ишлаб чиқаришда ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдормиз.

**— Россиянинг Урал ҳудудидаги олий ўқув юртларини тугатган Ўзбекистон фуқароларининг янгидан фаолият бошлаётган Битирувчилар ассоциацияси ўз олдига қандай мақсадларни қўйган?**

— Биз учун ҳам, битирувчиларимиз учун ҳам алоқани давом эттириш жуда муҳим. Истагимиз, собиқ талабалар ўзлари учун дорилфунуни — қадрдон ўқув юрти уларга ғамхўр эканини ҳис этишсин. Хусусан, ўзбекистонлик битирувчиларимиз университет уларга ўз хизматини, бу ерда зарур бўладиган янги ишланмаларни таклиф этишга тайёр эканини билишсин. Ассоциация айнан шу мақсадда тузиляпти. Ташкил этилаётган ва аввалги талабалар таклиф этилаётган таъсис йиғилишлари мазкур ассоциация битирувчилар ва университет ўртасидаги муносабат узилмаслигини таъминлайдиган риштага айланишини назарда тутади.

Дарвоқе, УрФУнинг бундай тузилмалари жаҳоннинг бошқа кўплаб давлатларида, масалан, Монголия, Қозоғистон, Германия, Исроилда ҳам ҳам очилган. Албатта, биз Ўзбекистон ассоциацияси фаолиятига катта умид боғлаганмиз.




> **БУГУНГИ КУНДА УРФУДА ЎЗБЕКИСТОНДАН 103 НАФАР ТАЛАБА ЎҚИР ЭКАН, ШУ ДАВРГАЧА УНИВЕРСИТЕТНИ 400 ГА ЯҚИН МАМЛАКАТИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ БИТИРИБДИ. ҚОЛАВЕРСА, АЙНИ ПАЙТ УРФУ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ 14 ТА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТГАН...**

**— Ўзбекистон ва УрФУ ўртасидаги муносабатларни бошқа давлатлар билан солиштирган ҳолда қандай баҳолаш ёки тавсифлаш мумкин?**

— Таъкидлаш жоиз, кейинги пайтда ўзаро алоқаларимизда ўсиш даражаси яққол сезиляпти. Энг муҳими, бунга ҳар икки томондан жиддий қизиқиш билдириляпти. Халқаро ҳамкорликка доимо алоҳида эътибор қаратадиган УрФУ Россиянинг глобал рақобатбардошлик ва билимдонликни ошириш, маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига йўналтириш бўйича дастурида илк даврдан бошлаб иштирок этиб келмоқда. Биз доимо турли шаклдаги халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаб келганмиз. Ҳозир Урал федерал университетида жаҳоннинг 110 дан зиёд давлатидан қарийб 4400 ўғил-қиз ўқийди. Табиийки, бу давлатлар орасида Ўзбекистоннинг муносиб ўрни бор. Биз республикангизни йирик, жадал ривожланаётган давлат сифатида тан оламиз ва ўзбекистонлик шерикларимиз билан ишлашдан манфаатдорлигимизни эътироф этамиз.

**— Виктор Анатольевич, сиз билан суҳбатга тайёргарлик кўриш жараёнида аниқлашимизча, бугунги кунда УрФУда Ўзбекистондан 103 нафар талаба ўқир экан, шу давргача университетни 400 га яқин мамлакатимиз фуқаролари битирибди. Қолаверса, айни пайт УрФУ республикамиздаги 14 та олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик ўрнатган...**

— Биринчидан, бу рақамлар ортида таълим даргоҳимизда таҳсил олишга нисбатан ёшларнинг кучли истаги ётибди. Бизнинг зиммамизда мана шу ишончни оқлаш, яъни ўзбекистонлик талабалар УрФУни битиргач, ўзларидаги бор қобилиятни, салоҳиятни, маҳоратни намоён қилишларини таъминлаш вазифаси туради. Қувонарлиси, бунга эришяпмиз. Тан олиш керак, 103 талаба икки томонлама мавжуд имконият, салоҳиятга нисбатан катта рақам эмас. Масалан, таққослаб кўринг, бизда қозоғистонлик 1000 дан зиёд, хитойлик қарийб 1700, тожикистонлик 400 нафар талаба бор. Демак, Ўзбекистондан янаям кўпроқ ёшларни қабул қилишимиз мумкин. Бунинг устига университет маъмурияти мунтазам равишда инфратизимни ривожлантириш устида бош қотиради. Айни пайт 8,5 минг ўринга мўлжалланган янги ётоқ мажмуаси қуриляпти. 2023 йил Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтадиган Жаҳон Универсиадаси муносабати билан ҳудудимизда бутун бир талабалар шаҳарчаси бунёд этилади. Агар ушбу шаҳарча олий ўқув юртимиз ихтиёрига бериладиган бўлса, хорижлик талабаларга яшаш, ўқиш, сифатли таълим олиш учун беқиёс шароитлар таклиф эта оламиз.

**— Ҳамкорлик жараёнида ҳар икки томон учун биринчи навбатда сон эмас, сифат муҳим. Шундай эмасми?**

— Тўғри таъкидладингиз, бизнинг ҳамкорларимиз орасида нафақат Тошкент, балки Бухоро, Наманган, Навоий, Урганч, Фарғона, Самарқанддаги институт, университетлар бор. Биз асосий эътиборни айнан минтақалардаги ҳамкорларимизга қаратамиз, чунки ҳудудларда сифатли таълимга нисбатан талаб, эҳтиёж кучлироқ. Қолаверса, рақамлар ортидан қувиш ниятимиз ҳам йўқ, биз учун энг муҳими – сифат, биргаликда юксак натижаларга эришиш.

**— Ёшларимиз сизларнинг ва табиийки, бизнинг ишончимизни ҳам қай даражада ёки қайси ишлари билан оқлай оляпти? Масалан, сиз – олий ўқув юрти ректори Ўзбекистондан бориб таҳсил олаётган ёки ўқишни битириб кетган талабаларни шахсан биласизми? Кимдир нима билан дир ёдингизда қолганми?**

— Албатта биламан! Уларнинг кўпчилигини шахсан танийман. Масалан, яқиндагина, аниқроғи ўтган йил ўқишни битирган Достон Убайдовни олайлик, Бухоронинг Шофирконидан. Дарвоқе, Достон мана шу “ИННОПРОМ” кўргазмасида ҳам қатнашди. У ҳозир “Бухоро Телеком”да ишляпти. Ёки аспирантлардан бири Баҳодир Мамадалиев, аълочи, фаол. У радиоэлектроника ва ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича магистратурани ҳам имтиёзли тугаллаб, аспирантурага қабул қилинди. Аввалроқ битирган собиқ талабаларимиздан Улуғбек Эргашевни айтмайсизми?! НКМК Бош технологи, фан доктори. У УрФУ аспирантурасини тамомлаб, номзодлик ишини ҳам бизда ҳимоя қилди. Яна бир ёш мутахассис Ойбек Ашуров эса 2013 йил университетимизни битирган. Эндиликда Учқудуқдаги Шимолий кон бошқармасида бош технолог лавозимида ишлаб чиқариш жараёнининг энг қайноқ нуқтасида фаолият олиб боряпти. Ўз вақтида таълим даргоҳимизни фалсафа йўналиши бўйича тугатган Фарҳод Тоштемиров бугунги кунда йирик бизнесмен — меҳмонхоналар тармоғи раҳбарига айланди. Биз ўзбекистонлик битирувчиларимиз билан фахрланамиз.

Айни пайт УрФУда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар ҳақида ҳам жуда илиқ фикрлар билдириш ўринли. Улар доимий равишда университетда Наврўз ва бошқа давлат аҳамиятига молик байрамлар, диққатга сазовор саналарни кенг нишонлашади. Масалан, дунё халқлари фестивалида жаҳонга машҳур ўзбек таомларини тайёрлашади, турли лойиҳалар тақдим этишади. Миллий рақслар, бадиий ҳаваскорлик кўринишлари намуналарини намойиш этишади.

**— Ва ниҳоят ушбу тадбирдан, “ИННОПРОМ. Ўзбекистонда катта саноат ҳафталиги” халқаро саноат кўргазмасидан, ўзаро алоқаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан, нималарни кутяпсиз?**

— Табиийки, ушбу тадбир аввалги учрашувларимиз, келишувларимизнинг мантиқий давоми. Масалан, мен бугун Бухоро давлат университети ректори билан учрашдим. Ўзаро муносабатни келгусида қай тарзда давом эттириш масаласини кўриб чиқдик. Ҳамкорликнинг янги шаклларини келишиб олдик. Тез орада, аниқроғи апрелда Бухоро университети делегацияси Екатеринбург шаҳрига ташриф буюрадиган бўлди. Ўшанда тегишли йўл харитасини тузиб оламиз, шерикликнинг барча йўналишларини батафсил муҳокама қиламиз. Шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти раҳбарияти билан ҳам музокара ўтказдик. Аввал эришилган келишувлар ижроси бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб олдик. Энг асосийси, мен ҳамиша Ўзбекистонга алоҳида интиқлик билан келиб, мислсиз кўтаринки кайфиятда қайтаман.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ суҳбатлашди.**

## ҲУҚУҚ

# МИЛЛИЙ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМ — ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС ҲИМОЯ ТИЗИМИ



***Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)***

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳаларида гумонланувчини қийноққа солиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб тургани жиддий танқид остига олиниб, бу муаммоларни бартараф этиш борасида олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича ваколатларини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, омбудсман ва жамоатчилик вакилларининг тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига биргаликдаги мониторинг ташрифлари тизими йўлга қўйилиши билан боғлиқ устувор вазифалар қўйилди.**

Шахсга нисбатан қийноқлар, бошқа шафқатсиз ёки унинг шаънини камситувчи жазо ва муомала шакллари инсон ҳуқуқларининг энг қўпол равишда бузилиши экани умумэътироф этилган ҳақиқатдир. Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, қийноқ элементининг учраши инсон ҳуқуқларининг кафолатланмаётганидан далолат беради. Шунинг учун халқаро ҳамжамият томонидан инсониятга қарши жиноятлар орасида айнан қийноқ ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаблар билан курашишга алоҳида устуворлик берилади.

Айниқса, иши тергов жараёнида бўлган ёки суд ҳукми билан жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ёпиқ муассасаларда сақланиши қийноқ ҳолатлари юзага келиши учун шароит яратиши мумкин. Озодлиги чекланган маҳкум ва маҳбусларнинг айрим ҳуқуқлари ҳам чекланади. Лекин давлат уларнинг шаъни, қадр-қимматини камситиш, руҳий босим ўтказиш ёки бошқа жисмоний қийноққа солинишига йўл қўймаслиги лозим. Бундай хатти-ҳаракатлар оқибати жуда жиддий бўлгани учун уларни бартараф этиш эмас, балки айнан олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятга шундай ижтимоий институт зарурки, унинг вакиллари жазони ижро этиш муассасалари, қийноқлар хавфи бўлган бошқа муассасаларни турли идоралар томонидан чекловларсиз, эркин тарзда бориб кўриш имкониятига эга бўлиши лозим. Ушбу институт ўз вазифаларини бажариши учун керак бўлган асосий шароитларни таъминлаш зарур.

2019 йилда илғор халқаро тажрибаларга асосланиб, омбудсман ҳузурида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизмнинг йўлга қўйилгани ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Аҳамиятлиси, мониторинг ташрифларига нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этиш орқали маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилишига эришилмоқда. Шунингдек, жорий этилган ушбу механизм Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — омбудсманнинг ваколатларини кенгайтирди.

Миллий превентив механизмнинг жорий этилиши нафақат қийноқларга қарши курашиш самарадорлигининг кафолати, балки халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузининг юксалишига ҳам хизмат қилувчи омилдир. Шунинг учун ушбу тизимни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланганы айни муддао бўлди.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак. 2021 йилнинг биринчи чорагида омбудсман номига давлат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган жойларда сақланаётган шахслардан 57 та шикоят келиб тушди. Албатта, ушбу мурожаат эгалари билан мониторинг ташрифлари давомида учрашилиб, муаммоси қай даражада ҳал этилгани ҳам ўрганилади.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида Миллий превентив механизм доирасида фаолият кўрсатувчи жамоатчилик вакилларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга йигирма бешга яқин мониторинг ташрифи амалга оширилди. Ўрганишлар давомида минг нафардан ортиқ маҳкум билан жамоавий учрашувлар ҳамда 217 нафар маҳкум билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилди.

Мониторинг ташрифлари давомида маҳкумларни қамоқда сақлаш шароитлари, яъни яшаш ва овқатланиш, меҳнат қилиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати ва сифати, маҳкумлар учун маънавий-маърифий ишлар ҳамда коронавирус пандемияси даврида санитария-гигиена талабларига риоя этилаётгани, таълим-тарбия бериш ва бошқа шу каби ҳолатлар ўрганилди.

Ўрганиш давомида жазони ижро этиш муассасаларида бир қатор камчиликлар ҳамда ўз ечимини кутаётган муаммолар аниқланди. Жумладан, ишлаб чиқаришда меҳнатга жалб қилинган маҳкумлар махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминланиши белгиланган бўлса-да, мониторинг ўтказилган муассасаларда бу талаблар тўлиқ бажарилмаган. Айрим манзил колонияларнинг баъзи бир бўлинмалари таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани учун маҳкумларни сақлаш шароитлари талабга жавоб бермаслиги аниқланди.

Бундан келиб чиқадики, ўрганадиган масалаларимиз талайгина ва бунда жиноят ишларини юритишнинг юқорида санаб ўтилган босқич ва жараёнларини такомиллаштириш, бу жараёнда қийноқларга йўл қўймаслик борасида тегишли чоралар кўриш талаб этилади. Бу эса тегишли қонунчилик базасини такомилига етказиш вазифасини кўндаланг қўяди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси жаҳон стандартлари асосида мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шу боис, бу борада кўзланган эзгу мақсадларга эришиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш йўлидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Биз қийноққа қаршимиз!

> **МИЛЛИЙ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ НАФАҚАТ ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ, БАЛКИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МАМЛАКАТИМИЗ НУФУЗИНИНГ ЮКСАЛИШИГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ОМИЛДИР. ШУНИНГ УЧУН УШБУ ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН, “ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ҚИЙНОҚ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАНИ АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ.**

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

# 10 АПРЕЛЬ — АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН




**“Ўзини ҳурмат қилган инсон Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини бир эмас, бир неча марта ўқиган бўлади. Нега десангиз, уни ўқиган одам ҳеч қачон оилага хиёнат қилмайди, керак бўлса, Ватанга хиёнат қилмайди”.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО БЎЛИБ КЕТМАГАЙ...

*Муножат МЎМИНОВА,*
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**Тошкентнинг Самарқанд дарвозасидан ҳозирги Термиз тор кўчаси томон кириб борар эканмиз, кўнглимизда ифтихор уйғонди. Зеро, бу кўчадан не-не одамлар юрмаган, чет эллик сайёҳлару тадқиқотчиларнинг-да қадам излари бор ва яна бўлажак. Анча ичкари юрамиз. Рўпарамизда яқингача ҳам қўшни ҳовлилардан фарқланмаган, бугун эса маҳаллага кўрк бериб турган 37-хонадон — Абдулла Қодирий уй-музейи.**

Ташқи кўринишданоқ кишига миллий ғурур бера оладиган нақшинкор дарвозанинг ўзи ҳар қандай инсоннинг эътиборини тортишига шубҳа йўқ. Ичкарига киришингиз билан ҳовлининг ўртасидаги чорроққина сўрида қўлига китоб тутган Абдулла Қодирий ҳайкалига кўзингиз тушади.

Дарвозахонадан ўнг қўлда Абдулла Қодирий, ўзбек ва жаҳон ижодкорлари асарлари жам бўлган мўъжаз кутубхонадан кўнглингиз равшан тортса, нақшинкор, баланд ёғоч устунли йўлак узра бораётиб, Қодирий ва унинг ижодига оид ўзбек ва жаҳон адибларининг ҳовли деворларига алоҳида ишлов бериб ёзилган фикрларини ўқимай ўтолмайсиз. Улар орасидан шарқшунос олим Евгений Бертельснинг: “Жаҳон адабиётида услуб жиҳатидан фарқ қиладиган бешта романчилик мактаби сайқалланиб туради. Улар инглиз, француз, немис, рус ва ҳинд романчилик мактабларидир. Энди олтинчи романчилик мактаби яратилди. Бу мактабни яратган Абдулла Қодирийдир”, деган сўзлари ва Туркманистон халқ ёзувчиси Хидир Деряев: “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илҳом бағишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш иштиёқи туғилди”, деган эътирофи билан аввало Қодирий бобомиз, қолаверса, биз, унинг авлодларига миннатдорлик билдираётгандек бўлади. Шунингдек, Ниота Тун, Зариф Башарий, Жалол Икромий каби таниқли немис, тожик, татар ёзувчиларининг Қодирийни улуғловчи оташин фикрлари, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби адабиётимиз устунларининг адибга бўлган юксак эҳтироми бизни Қодирий асарларини такрор ўқиш, нафақат ўқиш, уқишга ҳам даъват этади. Ёзувчининг наинки юртимиз, балки халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилганидан ғуруримиз ортаверади.

Замонавий конференция зали, кўҳна Шошнинг қадимий қиёфаси суратларга жо бўлган хона, мўъжаз галерея ва унда адибнинг ҳаёти, ижоди, маънавий жасоратидан сўзловчи картиналар, Жулқунбойнинг илк асарлари нашр этилган газета ва журналлар, илк китобларининг барча-барчасини меҳр билан кўздан кечирамиз.

Кўча дарвозага яқин бўлган болахонали асл ўзбекона уйнинг ичкарисига кирсангиз, адиб оиласининг энг ширин дамларига гувоҳ бўлган, китобхонлик таъсирида уларни бир-бирига янада яқинлаштирган сандал хонтахта оилавий мутолаа билан боғлиқ гўзал тасаввурлар уйғотади. Ҳамон ўша қадрдон кўрпача билан ўралган хонтахта узун қиш кечалари аслида китоб тафти билан ҳам исиган вужудларга янада илиқлик бергани билан қадрли. Бирдан гўзал тасаввурларимиз ўрнини 83 йил аввалги мудҳиш манзара эгаллайди-ю, бир сесканиб, қалқиб тушамиз. 1938 йилнинг энг сўнгги кунида мана шу хонтахта атрофидаги жамулжамликка путур етди. Миллатимиз қаҳрамони, бир сўзли адиб қадрдон ҳовлисини бир умрга тарк этганди ўша куни.

Ўтган ва бугунги кундан қалбда дам оғриқ, дам қувонч билан болахонага боққанингизда беихтиёр Ўзбекистон давлат драма театри жамоаси саҳналаштирган “Жинлар базми” спектаклидан бир лавҳа ёдингизга тушади. Қодирийни ҳибсга олиш учун келганларнинг мана шу болахонага ҳам чиқиб, ҳамма ёқни тинтигани, адибнинг китобларини битта қўймай йиғиштириб олганлари саҳнаси. Театр саҳнасида шу ҳолатни тасвирлашнинг ўзи осон эмас, албатта. Аммо жамоа буни уддалаган.

Адиб оиласи билан яшаган ҳовли ичкароғидаги уй ҳам ҳар қандай киши диққатини тортади. Уй ичидаги темир сандиқ, тошойна, кўрпаю кўрпачалар, умуман, ҳар бир экспонат буюк ёзувчига, бетакрор, бемисл асарлар яратилишига хизмат қилгани билан сеҳрли кўринади. Бу уй, унинг баҳаво шийпони бугун уни жондан севган ўқувчилари, талаба йигит-қизлар билан гавжумлигидан яна қувонасиз.

— Назария бошқа, амалиёт бошқа, деган гапнинг моҳиятини бугун ушбу уй-музейида яққол англадик, – дейди талаба Гулжаҳон Маннопова. — Чунки адабиёт дарсларида минг эшитмайлик, минг ўқимайлик, Абдулла Қодирий яшаган муҳитни бу даражада чуқур ҳис қилмагандик. Тўғри, унинг буюк ёзувчи, миллатимиз ғурури экани онгимизга синган, лекин ҳар бир ёш мана шу музейга келиб, ёзувчи фойдаланган буюмларни ўз




кўзи билан кўрса, бунинг таассуроти бошқача бўлади, назаримда.

— Бобомиз яшаган бу ҳовлини музейга айлантиришнинг ўзи бўлмади. Мен бу эзгу ишни амалга ошириш учун йиллаб сарсон бўлганимни биринчи марта айтаётганим йўқ, — дейди адибнинг набираси Хондамир Қодирий. — Балки қўл силташ ҳам мумкин эди, дерсиз. Аммо Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг адабиётга, ижод аҳлига, айниқса, жадид боболаримиз, буюк аждодларимизга меҳри баландлигидан музей борасидаги умидим янада алангаланди. Мақсадимдан қайтмадим. Мурожаатимга жавобан ҳовли уй- музейга айлантириладиган бўлди. Ниҳоят, 2019 йилда кўп йиллик орзуларимиз ушалди. Ҳовли бутун адабиёт мухлисларига тўлиб кетди. Шундан буён бу ердан одам узилмайди.

Дарҳақиқат, мазкур ҳовлини уй-музейга айлантириш билан боғлиқ муаммолардан кўпчиликнинг хабари бор. 2019 йилгача ҳам нафақат адибнинг авлодлари, балки ўзбек халқи учун керак бўлган бу уй-музейни ташкил этиш орзуси амалга ошмай келаётган эди. Маҳалла аҳли, айниқса, қўшнилар билан суҳбатлашсангиз, улар ҳам бу воқеликни узоқ кутишгани, чет элликлар олдида элнинг буюк фарзанди ҳовлисининг аввалги ҳолатидан жуда хижолат тортганларини яширишмайди. Энди улар ҳар бир чет элликка пешвоз чиқиб, биз шундай халқ қаҳрамони туғилган маҳаллада яшаймиз, деб ёруғ юз билан айта олишади. Аслида ҳам шундай бўлиши керак эди. Негаки, энди ёзувчининг ўзи ёзганидек, “Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак”.

Ҳужжатбозлик ишлари юзасидан кўп сарсон бўлган Хондамир Қодирий 2018 йилда давлатимиз раҳбари Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлган учрашувда адиб номидаги ижод мактаби қурилиши ҳақида гапиришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бундан ташқари, пойтахтимизнинг қоқ марказида бунёд бўлган Адиблар хиёбонида Абдулла Қодирий ҳайкали ўрнатилиши ҳам романчилигимиз асосчисига бўлган юксак эҳтиромнинг яна бир кўриниши сифатида, аввало, Қодирий авлодларини, шу билан бирга, барчамизни бирдек хурсанд этди.

Абдулла Қодирий шахсини абадийлаштириш йўлидаги эзгу ишлар бу билан ниҳоя топмайди.



Зеро, бугун юртимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлардан куч олиб камолга етаётган авлод унга муносиб ворис бўлишига шубҳа йўқ.

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ ИККИ МАМЛАКАТ ОЛИМЛАРИ УЧУН ЎЗБЕК ВА УРДУ ТИЛЛАРИНИ ЧУҚУР ТАДҚИҚ ЭТИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРДИ

***Мухлиса ШОРАҲМЕТОВА,***
***Тошкент давлат шарқшунослик университети урду тили ўқитувчиси.***
***“Дунё” АА.***

**Покистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қатори тан олган мамлакатлардан ҳисобланади. 1992 йил 10 май куни икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.**
**Ўзбекистон ва Покистон халқларини илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган чуқур тарихий ришталар боғлаб туради. Истиқлол йилларида барча соҳалардаги ҳамкорлик, жумладан, маънавий-маърифий алоқалар янада ривож топа бошлади, таълим, илм-фан ва илмий тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик, академик алмашинувлар фаоллашди. Ўзбекистонда Покистон тарихи, санъати ва маданиятини, хусусан, урду тилини ўрганишга эътибор ошди. Покистонда эса ўзбек тили ва адабиёти, мамлакатимиз тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган лойиҳаларга катта эътибор қаратилмоқда.**

Урду тили ҳинд-европа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб бўлиб, Покистоннинг расмий тили ҳисобланади.

Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Шарқшунослик факультети (ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университети)да 1947 йилда Жанубий Осиё тиллари кафедраси ташкил этилган. Унинг фаолияти Ҳиндистон ва Покистон халқлари тилларининг энг етакчиларидан ҳисобланган ҳинд ва урду тиллари бўйича мутахассис тайёрлашга қаратилган.

Бу ерда етишиб чиққан мутахассислар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, турли нашриётлар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа кўплаб муассасаларда, таълим масканларида фаолият юритмоқда.

1991 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Покистон дўстлик жамияти мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Университетимизнинг фахрий олимларидан бири Т. Холмирзаев узоқ йиллар давомида Ўзбекистон — Покистон дўстлик жамиятининг вице-президенти лавозимида фаол иш олиб борди. Олим, шунингдек, ўзининг илмий, педагогик фаолияти даврида Покистон маданияти ва урду тилини ўрганишга оид қатор монография ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этди. Шунингдек, таниқли ўзбек олими томонидан биринчи " اردو- ازبیک لغت" (Урдуча-ўзбекча луғат, 2003), “اردو-روسی لغت” (Урду-русский словарь, 2012) тайёрлангани ҳамда А. Иброҳимовнинг “اردو-ازبیک مشترک الفاظ” (Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғати, 1994) Лаҳор шаҳрида, кейинчалик эса унинг тўлдирилган иккинчи нашри Исломободнинг “Muqtadira Qaomi Zaban” нашриёти томонидан чоп этилгани ҳам диққатга молик.

Бугунги кунга келиб кафедра ўқитувчилари тайёрлаган ўндан ортиқ монография, икки юздан ортиқ дарслик, ўқув-методик қўлланмалар ва илмий мақолалар Ўзбекистон, Россия, Покистон ва бошқа давлатлар нашриётларида босиб чиқарилди. Бу адабиётлар орасида, айниқса, ўқув қўлланмалар диққатга сазовор. Жумладан, катта ўқитувчи Р. Муҳаммаджоновнинг 1-2-курс талабалари учун мўлжалланган “Урду тили дарслиги”, Т. Холмирзаевнинг “Урду тили хрестоматияси”, А. Иброҳимовнинг “Урду тили лексикографияси”, М. Абдураҳмонованинг “Урду ва ҳиндий тиллари қўшма гап синтаксиси”, “Урду тили грамматик атамаларини ўзбек тилига таржима қилишдаги муаммолар ҳақида”, “Ўзбек шарқшунослигида илмий тил муаммолари” ва бошқа рисолаларни айтиш мумкин. Шунингдек, кафедра олим ва тадқиқотчилари Покистонда ўтказилган халқаро сипозиум ва конференцияларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Халқлар ўртасидаги маданий муносабатларни адабий алоқаларсиз, таржима фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таржима — дўстлик ва маданият кўприги, деб бежиз айтилмайди. Бадиий таржима орқали бир халқ бошқа халқ ҳақида, унинг урф-одатлари, дунёқараши тўғрисида кенгроқ ва чуқурроқ маълумотга эга бўлади. Бу эса халқларни яқинлаштиришга хизмат қилади. Моҳир таржимон Р. Муҳаммаджонов “Алишер Навоий — буюк ўзбек шоири” тўпламини тузиб, буюк бобокалонимиз шеърларини урду тилига таржима қилган. А.Иброҳимов эса Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов қаламига мансуб “Олтин девор” пьесасини урду тилига ўгирган. Дарвоқе, ушбу комедик асар 1996 йилда Лаҳор театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган. Шунингдек, Н. Аминовнинг “Бир аср ҳикояти” китоби ҳам урду тилида чоп этилган.



**ЖОРИЙ ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ САЙИД АЛИ АСАД ҒИЛОНИЙ ИЛМ МАСКАНИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИБ, УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ВА ПОКИСТОН ОЛИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШДИ. ЭЛЧИ ЖАНОБЛАРИ КАФЕДРАМИЗ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ ҚУРДИ.**

А. Иброҳимов Покистоннинг машҳур ёзувчилардан бири Кришан Чандарнинг “Хотирамдаги чинорлар” қиссасини ўзбек тилига таржима қилди. Буюк ватандошимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг XVI асрда яратилган “Бобурнома” асари том маънода туркий маданиятнинг, хусусан, ўзбек халқи маънавий қадриятларининг юксак намунасидир. Ушбу асар дунёнинг 20 дан зиёд тилига таржима қилинган, жумладан, урду тилига ҳам тўрт марта ўгирилган. Илк бор аслиятдан Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний томонидан ўгирилган, Рашид Ахтар Надавий, Юнус Жаъфарий ва Муҳаммад Қосим Сидиқий уни форс тилидан таржима қилган. Асарнинг бир неча бор таржима қилиниши ва қайта-қайта нашр этилиши Покистон халқининг Бобур ижодига, хусусан, унинг шоҳ асари — “Бобурнома”га бўлган қизиқишининг нақадар юқори эканидан далолатдир. Айни кунларда “Бобурнома”нинг урду тилидаги таржималари юзасидан кафедра ўқитувчилари томонидан қатор илмий изланишлар қилинмоқда.

Мустақиллик йиллари икки мамлакат халқлари ўртасида алоқалар ривожланиб, бири-бирини яқиндан билиш, тушуниш ва англаш имконияти кенгайди. Бунда илм-фан ва маданият намояндаларининг ўзаро ташрифлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ўзаро маданий-адабий алоқалар доирасида ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар делегациясининг Покистон — Ўзбекистон иқтисодий ва маданий алоқалар маркази таклифига биноан Лаҳор шаҳрига сафари чоғида Ўзбек тили курслари очилди. Бу ерда узоқ йиллар давомида ватандошимиз Ансориддин Иброҳимов дарс берди. Марказ раҳбари Маҳмуд Али Бҳаттининг сўзларига кўра, покистонликлар бу ерда ўзбек тилини бугунги кунда ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

2009 йил Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Жанубий Осиё тиллари кафедраси ҳузурида Покистон элчихонаси билан ҳамкорликда Покистон маркази очилди. Элчихона марказга зарур жиҳозлар — китоб ва дарсликлар, техник жиҳозлар, шунингдек, Покистон халқининг миллий либосларини тақдим этди. Ҳозир Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари кафедраси талабалари мазкур марказда урду тилидан сабоқ олмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ филологияси ва таржимашунослик факультетининг Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари кафедраси бакалавр йўналишида “Асосий Шарқ тили” (урду), “Қўшимча шарқ тили” (урду), “Урду тили лексикологияси”, “Урду тили классик шеърияти”, “Покистон тарихи”, магистратура йўналишида эса “Покистонда тил вазияти”, “Урду тили тарихи”, “Урду тили стилистикаси”, “Урду тилида араб-форс элементлари” каби фанлар ўқитиб келинмоқда.

Жорий йил январь ойида Покистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сайид Али Асад Ғилоний илм масканимизга ташриф буюриб, университетимиз ва Покистон олий билим юртлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашди. Элчи жаноблари кафедрамиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан суҳбат қурди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланиши Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Покистон олий таълим масканлари билан ҳамкорлик алоқаларининг жадаллашишига ҳамда икки халқ маданияти, тарихи, жумладан, она тилларимизни ўрганишга янги имкониятлар тақдим этади.




## АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 685 ЙИЛЛИГИГА





# СОҲИБҚИРОН МАЪНАВИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

***Бўри ҚОДИРОВ,***
***Республика маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи***

**Инсоният ҳамиша улуғ зотларнинг илми, тафаккури, ақл-заковатидан куч олган ва ўз тараққиётида аждодларининг буюк меросларига таянган ва улардан ифтихор қилган. Буюк давлат арбоби ва юксак маърифат соҳиби Амир Темур ана шундай тарихий сиймолардан биридир.**

Буюк соҳибқирон моҳир саркардалиги, одил подшолиги, энг асосийси, маърифатпарварлиги билан нафақат Марказий Осиё халқлари, балки жаҳон тарихида салмоқли ўрин эгаллаган. Темурийлар сулоласининг XIV-XV асрлардаги ҳукмронлиги оламшумул воқеаларга бойлиги билан жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди. Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб Европада 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқин асар яратилган. Тарихда бирорта давлат бошлиғи ёки саркардага бағишлаб бунчалик кўп асар битилмагани соҳибқирон шахсининг буюклигига яна бир далолатдир.

Амир Темур Марказий Осиё халқларини ягона давлат остида бирлаштиришга муваффақ бўлди, халқни ўз ортидан эргаштириб, буюк ва қудратли марказлашган давлатни вужудга келтирди. У ўз салтанати дунёга юз тутиши учун даставвал ҳарбий ва давлатчилик соҳасида чуқур билим ва тажрибага асосланган муҳим ислоҳотларни амалга оширишга эришди. Ўз замонасига нисбатан, қолаверса, келгуси авлодга дастуруламал бўла оладиган давлат бошқаруви тизимини яратди.

Бунинг натижасида Марказий Осиёда бир ярим аср ҳукмронлик қилган мўғуллар бебошлиги натижасида босқинчилик, зўравонлик, адолатсизлик ва вайронагарчилик ҳукм сурган феодал тарқоқликка барҳам берилди, ўлка халқларининг мустақиллиги қайта тикланди. Халқ иқтисодий, маданий, маърифий турғунлик гирдобидан олиб чиқилди. Унинг буюк ишлари ва салобатли давлати ўз даврида ҳам Шарқ, ҳам Ғарбда тан олинди. Амир Темур Иккинчи Ренессансни бошлаб берди ва темурийлар ҳукмронлигида бу давр гуллаб-яшнади.

Амир Темур маънавиятининг юксаклигига қуйидаги омиллар сабаб бўлганини кўришимиз мумкин. Аввало, Амир Темурнинг ота ва она авлоди илм-маърифатли инсонлар бўлган ва соҳибқирон зиёли оилада тарбия топган. Қолаверса, у улуғ устозлардан тарбия олган. Хусусан, ўсмирлик даврида ўз даврининг машҳур уламоси Амир Кулол билан танишади. Шамсиддин Кулолни Темурнинг отаси, кейинчалик Амир Темурнинг ўзи ҳам пир деб билган ва у зотга чуқур эҳтиром кўрсатган. Соҳибқирон улкан зафарларини Амир Кулолнинг дуолари шарофатидан, деб билгани тарихдан маълум.

Баҳоуддин Нақшбандийни Мовароуннаҳрда тасаввуф илмининг йирик намояндаси, кароматгўй, нақшбандия тариқати асосчиси ва раҳнамоси сифатида бутун мусулмон дунёси яхши танийди. Амир Темурнинг пирларидан бири ана шу улуғ зот бўлиб, у 1318 йилда Бухорода туғилган. Баҳоуддин ўн саккиз ёшга етганда Амир Темур дунёга келган. У етук давлат арбоби сифатида ўз салтанатини мустаҳкамлаётган бир даврда (1389 йилда) Нақшбанд бу дунёни тарк этади. Амир Темур катта давлатни идора қилишда ўз пиру комили ғояларига таянган.

Амир Темурнинг улуғ пирларидан яна бири Мир Саид Барака эди.

1370 йил баҳорида Амир Темур амир Ҳусайнга қарши йўлга чиқади. Қўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда маккалик шарифлардан Саид Барака Темурни қўллаб-қувватлаб, унга олий ҳокимият рамзи катта ноғора-табл билан ялов-байроқ тортиқ қилади. Амир Темур салтанат ноғораси ва байроғининг ўзига тортиқ қилинишини чуқур англаб етган ва тарихий манбаларга кўра, мазкур рамзларни умрининг охиригача ардоқлаган. Саид Баракани эса ўзига пир деб билган. Амир Темур вафотидан сўнг ўзини пири Саид Барака қабри пойига дафн этишни васият қилгани ҳам унинг устозларига бўлган эҳтиромидан, юксак маънавият соҳиби бўлганидан далолатдир.

Амир Темур ислом илми ва маънавиятини мукаммал эгаллаган, кичиклигидаёқ Қуръони каримни ёд олган. Кундалик ҳаётида ва юритган сиёсатида ҳам Қуръон ва ҳадисларда илгари сурилган камтарлик, адолат, поклик, дунёвий ва исломий қонун-қоидаларга доимо амал қилиш, меҳнаткаш халқ аҳволидан хабардор бўлиш, давлат қудрати ва шон-шуҳратини ошириш, юртни обод қилишга эътибор бериш, олиму фузалоларни эъзозлаш каби ҳаётий қоидаларга асосланиб иш тутди.

Амир Темурда ватанпарварлик, эркинлик ва миллий ифтихор туйғуси ниҳоятда юқори бўлгани сабабли ҳам Мовароуннаҳрни мўғулларнинг бир ярим асрлик асоратидан халос этди, қудратли давлат тузиб, ўлкани дунёнинг маънавияти, иқтисодиёти, маданияти энг юксалган минтақасига айлантирди. Манбаларда соҳибқирон Амир Темур ёрқин хислатларга эга, хотираси ўткир, шижоатли ва қатъиятли, бир сўзли, зўр руҳий қудрат эгаси, салобатли инсон сифатида таърифланади.

Амир Темурнинг Осиё, умуман, жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрни ҳам беқиёс. Амир Темур ўз сиёсатида маданият, ободончилик, ҳунармандчилик ҳомийси бўлиб танилди. У зот нафақат Марказий Осиёнинг маданий-маънавий оламида, балки бутун мусулмон дунёси тарихида ўчмас из қолдирди ва жадал ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Амир Темур қатор Шарқ, айниқса, Европа мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, улар билан турли савдо-сотиқ, маданий алоқаларга янада кенг йўл очди.

Ўз давлати, халқи равнақи учун ҳаёти ва кучини аямади, ақл-заковат билан иш тутди. Соҳибқироннинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг қарор қабул қиларди. Амир Темур давлатни ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг "...давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим", деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Марказий Осиё халқлари орасидан етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди Амир Темур асос солган ҳудудда шаклланди ва ижод қилди. Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, олимлардан Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, файласуф-шоирлардан Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий, мусаввирлардан Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош, хаттотлардан Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси ўша давр ва инсониятнинг ўзларигача бўлган маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини мукаммал билиб, ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларининг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм эгалари бўлганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг бой, серқирра ижоди, тенги йўқ ва такрорланмас илмий-фалсафий, бадиий, тарихий асарлари асрлардан-асрларга ўтиб, замон синовларига бардош бериб, бизларгача етиб келди.



Биз фарзандларимизнинг Амир Темурга муносиб бўлиши лозимлиги ҳақида кўп гапирамиз. Бундай юксак салоҳиятга эга шахсларнинг етишиб чиқиши учун эса, аввало, ота-онанинг маънавий қиёфаси гўзал бўлиши лозим. Қолаверса, халқимизнинг "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган пурмаъно ўгити бугунги ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгаллаши, ўқитувчи ва мураббийларимиз таълим-тарбия узвийлигини сидқидилдан таъминлаши, бир сўз билан айтганда, фарзанд тарбияси замирида жамиятимизнинг эртанги кунига пойдевор қураётганимизни ҳар доим ёдда тутишимиз фарздир. Амир Темур маънавиятининг мустаҳкам пойдевори асрларга юз тутиб келаётгани, йиллар ушбу пойдевор тўзонида тўзимасдан, аксинча, янада сайқал топаётгани сири ҳам, шубҳасиз, шундадир.

## "БИР ҚЎЛИМДА АДОЛАТ, БИР ҚЎЛИМДА БЕҒАРАЗЛИК ШАМИНИ ЁҚДИМ..."

Бошланиши 1-бетда

***Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,***
***"Янги Ўзбекистон" мухбири***

— Амир Темур нафақат буюк саркарда, балки дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк зот ҳамдир, — дейди пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиев. — Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан музейимизда "Амир Темур — Темурийлар даври ренессансининг бунёдкори" мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Ушбу анжуман Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Конференция доирасида иккита янги кўргазма ҳам очилди. Кўргазмаларнинг бирида Амир Темур даврида зарб этилган тангалар намойиш этилган бўлса, иккинчисидан мустақиллик йилларида Амир Темур ва Темурийлар даврига оид нашр этилган китоблар жой олди. Бу эзгу ишларнинг барчаси тарихимизни ўрганиш жараёнида ўз амалий натижаларини бериши, шубҳасиз.

Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида Амир Темур бобомизнинг, "...ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шамини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шамини тутиб, ҳар иккала шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим", деб айтган сўзлари келтирилган. Бугунги қутлуғ маросимда юртдошларимиз қалбида кечаётган ғурур ва ифтихор туйғуларини кўриб, Соҳибқирон бобомизнинг ушбу сўзларини яна бир бор эсладик.

Зеро, бугунги кунда юртимизда Учинчи Ренессанс даври шаббодалари эсаётган бир даврда буюк саркарданинг ҳар бир ўгити, илм-маърифат ва адолат борасидаги сабоқлари улкан мақсадларимиз йўлини ёритаётгани, янги Ўзбекистон пойдеворига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани айни ҳақиқатдир.



# БУЮК САРКАРДА, МЕЪМОР ВА ИЛМ-ФАН ҲОМИЙСИ

***Ҳакимали АЗИМОВ,***
***Тошкент давлат юридик университети доценти***

**Буюк лашкарбоши, давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг ватанимиз тарихида тутган ўрни асрлар оша мангуликка дахлдордир. Темур ва темурийлар даври, яъни XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср мамлакатимиз тарихида турли тарихий-ижтимоий жараёнларга ниҳоятда бой ҳисобланади. Айнан ана шу даврда Мовароуннаҳр ҳаётининг турли соҳаларида ривожланиш юз берди. Илм-фан, маданият юксак тараққиёт босқичига кўтарилди.**

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд ва Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларимизнинг дунёга машҳур бўлишида улуғ бобомизнинг ҳиссаси катта. Жумладан, Самарқанд шаҳри атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби ўнлаб ажойиб боғ-роғлар яратилди. Шаҳар яқинида дунёдаги Дамашқ, Миср, Султония, Бағдод, Шероз каби машҳур шаҳарларнинг номлари билан қишлоқлар барпо этилди.

Дунё меъморчилик санъатининг намуналари сифатида тан олинган осори-атиқалар — Бибихоним, Зангиота, Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зинда мажмуалари каби кўплаб зиёратгоҳлар бунёд этилиши, шунингдек, Амир Темурнинг шариат ва тариқат пешволарига нисбатан иззат-ҳурмати унинг шахсияти нақадар улуғвор эканлигини кўрсатади.

Мовароуннаҳрда рўй берган бундай тарихий-маданий, бунёдкорлик жараёнларидан Шаҳрисабз ҳам четда қолмади. Амир Темур ўзи туғилиб ўсган юрти сифатида Шаҳрисабзга ҳам ниҳоятда катта эътибор қаратиб, бу ерда кўплаб ободончилик ишларини олиб борди, маданий-меъморий иншоотлар бунёд эттирди. Шунинг учун ҳам Шаҳрисабз (Кеш) ўша даврда "Қуббатул илм вал адаб" деган номга сазовор бўлди.

Ўрта асрларда Кеш вилоятининг ўзагини ёки марказини вилоятнинг шимоли-шарқида жойлашган Шаҳрисабз шаҳри ва унинг атрофи ташкил этган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур берган маълумотга қараганда, мамлакат пойтахти Самарқанддан Кешга қадар "тўққиз йиғоч" йўл бўлиб, бу Ибн Арабшоҳ ва бошқа муаллифлар маълумотларига мос келади. Ҳақиқатан ҳам "тўққиз йиғоч" икки кунлик йўл бўлиб, 80 километрдан ортиқроқ.

Тарихий маълумотларга кўра, XV асрда Шаҳрисабз ҳудудий жиҳатдан унчалик катта бўлмай, девор билан ўралган қисми нуқтаи назаридан кичик шаҳарлар тоифасига кирса ҳам, у сайёҳларда катта таассурот қолдирган. Хусусан, Испан элчиси Клавихо йирик иншоотлар барпо этилган Кешни "кўпгина уйлар ва боғлар бағрида" бўлган катта шаҳар деб таърифлайди. Қишлоқлар ва қарам мулклар билан қўшиб ҳисоблаганда, ўрта асрлар манбалари маълумотларига асослансак, Шаҳрисабзнинг шаҳар атрофи ҳудудлари энига уч фарсаҳга тенг келган, яъни энига ва бўйига 20 километрга яқин бўлган.

Амир Темурда 1370 йилдан сўнг Самарқандни давлатнинг биринчи пойтахти ва Шаҳрисабзни ўзининг иккинчи пойтахти ҳамда ёзги қароргоҳи сифатида барпо этиш тўғрисидаги фикри пайдо бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ям-яшил боғлар бағрида бўлган Шаҳрисабз Амир Темур даврида Мовароуннаҳрнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Темур ва темурийлар даврида у марказий шаҳар сифатида ривожланган ва ҳудуди шимолдан жанубга томон чўзилган тўғрибурчак шаклида бўлган. Марказда бош кўчалар бўйлаб чўзилган бозорлар бор эди. Шунингдек, XIV-XV асрларда бу ерда кўплаб диққатга сазовор иншоотлар барпо этилди.

Амир Темур улкан салтанат ҳукмдори сифатида Кешга диққат-эътибор қаратишни сусайтирмади. 1360 йилда отаси Амир Тарағай вафот этади ва Кешда дафн этилиб, кейинчалик унга мақбара бунёд этилади. Соҳибқироннинг 1376 йилда ҳалок бўлган тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо ва 1394 йилда вафот этган яна бир ўғли Умаршайх ҳам Шаҳрисабзда дафн этилди.

Соҳибқирон даврида ҳам, ундан кейин ҳам узоқ йиллар Шаҳрисабзда асосан барлос уруғлари яшаган. Тарихдан маълумки, Амир Темур марказлашган ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида яхши қуролланган ва қаттиқ интизомли қўшин тузади. Бу қўшиннинг асосини эса барлос уруғига мансуб жангчилар ташкил этар эди. Соҳибқирон жангларда жасорат кўрсатган амирлари ва аскарларига алоҳида илтифот кўрсатиб турган.

Ёзма манбалар маълумотлари ва олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, Амир Темур даврида Шаҳрисабз юксак даражада ривожланди, Оқсарой, Жомеъ масжиди, мадраса, хонақо, мақбаралари бўлган гўзал, мустаҳкам бир шаҳарга айланади.

Шаҳрисабзни ўраб турган қалъа деворларини ўрганиш шундан далолат берадики, Амир Темур даврида барча томонларда миноралари бўлган яхлит ҳимоя деворларини бунёд этишда жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган. Шаҳарнинг ҳимоя деворлари қурилишида қўлланилган қаватли пахса услуби Кешга хос бўлиб, кейинги даврларда ҳам қалъалар қурилишида қўлланилган. Бу даврда айниқса ҳунармандчиликнинг ниҳоятда ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Амир Темур даврига қадар қурилган умумшаҳар жомеъ масжиди шаҳарнинг жанубий қисмида, ҳунармандлар, шу жумладан, чармгар (кўнчи)лар ва кулоллар маҳаллаларига яқин жойлашган. Адабиётларда келтирилган ривоятларга кўра, Чорсудан шимолда жойлашган Жиловхона гузарида Амир Темур даврида подшолик отхонаси бўлган. Маҳаллий аҳоли фикрича, ўша пайтда икки эски ҳаммом ҳам бўлиб, XVIII асрда улар беклар мулки бўлган. Бироқ маълумотларга қараганда, бу ҳаммомга гўёки XII асрда Минораи калонни бунёд эттирган Арслонхон томонидан асос солинган. Тадқиқотчилар унинг ёши XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода бунёд этилган Саррофон ҳаммомидан катта эканлигини таъкидлайди. Шаҳрисабз ҳаммомининг саҳни ёндош кўчанинг юзидан анча паст, шунинг учун бутун бино қурилган пайтидан буён ҳосил бўлган маданий қатлам ичра кўмилгандек туюладики, бу ҳам унинг қадимда бунёд этилганидан гувоҳлик беради.

Маълумки, Кеш — Шаҳрисабзнинг гуллаб-яшнаши улуғ давлат арбоби ва саркарда Амир Темур номи билан боғлиқ. Шаҳарнинг бундай ном билан аталиши унда кўп сонли дарахтлар ва гулзорларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади. XIV-XV асрларда шаҳар тўртбурчак шаклда бўлиб, бир нечта дарвозаларга, Самарқанд дарвозасидан Термиз дарвозаси томон ўтган марказий кўчага, марказий майдон — Регистонга ва бозорларга эга бўлган. Шаҳар ўзининг меъморий обидалари билан машҳур бўлган. Зодагонлар ва руҳонийлар гузари яқинида Оқсарой, шаҳар марказида Чорсу, шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида Доруссаодат меъморчилик мажмуи ва Кўкгумбаз масжиди жойлашган. Шаҳар йирик маъмурий ва савдо маркази ҳам бўлган. Ўрта асрлар муаллифи Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, "Кеш маҳсулоти бу, отлар, туялар, қарбас, намат, Кеш тузи... Экин турларидан — ғалла, узум ва қовун яхши ҳосил беради". Қарбас — (оқ бўз туридаги мато), турли матолар ишлаб чиқариш, палос ва намат тайёрлаш, дўппи ва сўзаналар, чопон ва бошқалар тикиш сўнгги ўрта асрларгача шаҳар аҳолисининг анъанавий ҳунармандчилик турларини ташкил қилиб келган. Шаҳрисабзда тўқимачиликдан ташқари кулолчилик ва терига ишлов бериш билан боғлиқ ҳунармандчилик турлари мавжуд бўлган. Шунингдек, ёғочга ишлов бериш, металдан турли меҳнат қуроллари ва безак турлари ясаш кенг тараққий этган. Шаҳарда ҳунармандчилик кенг тараққий этгани шаҳарнинг ғарбий қисмида ҳунармандларнинг йирик гузари мавжуд бўлганлигида ҳам ўз аксини топган.

Ўрта асрлар Шаҳрисабзнинг диққатга сазовор жойлари таърифи 1404 йилда шаҳарда бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо кундаликларида келтирилади. Баланд Оқсаройнинг гумбазларидан туриб Шаҳрисабзни кенг миқёсда кузатиш мумкин бўлган. Бунга Клавихо ҳам ўз эътиборини қаратади: "Ушбу шаҳар текисликда жойлашган. Унинг барча томонларидан кўплаб ирмоқлар ва каналлар оқиб ўтиб, шаҳар кўп сонли боғлар ва уйлар билан ўралган".

Шуни айтиш керакки, Амир Темурнинг Туркистон диёрини босқинчилардан озод қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу юртдан бошланганлиги ҳаммамизга яхши аён. Демак, Амир Темур бобомиз ўз олдида турган барча улуғвор ишларни айнан ана шу Кешга таянган ҳолда амалга оширган.

Амир Темур давлат ва жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилолмаган. Шу боис, Соҳибқироннинг илм-фан ва маданиятга қаратган юксак эътибори туфайли юртимизда Иккинчи Ренессанс даври рўй берди. Бу эса башарият цивилизациясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Буюк Соҳибқироннинг буюк қадрияти мангуликка дахлдор бўлиб, қалбларимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1210.
79778 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Ҳидирова
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:15
Топширилди — 00:55

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru